Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320891

ta’minlashning ustivor yo‘nalishlari’’ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

Интернет материаллар:
http://www.gov.uz - «Хукуматсайти».

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ

Сатторкулов О.Т.
Professor, Candidate of Economic Sciences. доцент, и.ф.н. ГулДУ
obidkul_2011@mail.ru

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини сақлашда асосий омиллардан бири — истеъмол кредитларини ривожлантириш ҳисобланади. Истеъмол кредитлари банктарга даромад манбаи бўлиш билан бирга, аҳолининг истеъмол қобилиятини ошириш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга хизмат қилади. Банклар ўзининг қарз бериш сиёсатини тўғри йўналтириш орқали молиявий барқарорликни сақлаш ва кредит портфелини диверсификация қилишга эришишлари мумкин. Шунингдек, тижорат банклари учун истеъмол кредитлари билан боғлиқ рисктарни самарали бошқариш ва молиявий барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: тижорат банклари, молиявий барқарорлик, истеъмол кредитлари, кредит портфели, рисктларни бошқариш, қарз бериш сиёсатини ташкил қилиш, иқтисодий фаоллик, банкнинг мустахкамлиги

Саноати ривожланган мамлакатларининг банк амалиётида истеъмол кредитлари тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг муҳим тури ҳисобланади. Улар ҳозирги даврда, асосан, уй рузғор буюмлари,қурилиш материаллари, қайта тиклаш мақсадларига берилмоқда. Шу боис ҳам банклар мунтазам аҳолига қулайлик яратиш мақсадида истеъмол кредитларининг янги турларини тадбиқ қилиб, уларнинг барилишини такомиллаштириб туришлари лозим.

Хорижий давлатларнинг банк амалиётида берилган истеъмол кредитлари бўйича мижозлар томонидан тўловларни амалга оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланилмоқда[1]:

1. Қатъий белгиланган фоиз ставкаларида тўлаш усули.

Ушбу усулда мижоз истеъмол кредити бўйича асосий қарз суммаси ва фоизлар бўйича тўловларни ҳар ойда амалга ошириб бориши лозим. Шуниси характерлики, мазкур усулда тўловлар миқдори ойдан-ойга ўзгармаган ҳолда сақланиб қолади.

2. Сузувчи ставкаларда тўловларни амалга ошириш усули.

Ушбу усулда фоиз меъёри бошқа фоиз ставкаларининг ўзгаришига боғлаб қўйилади ва уларнинг ўзгаришига мос равишда ўзгариб боради. Одатда, истеъмол кредитининг фоиз ставкасини мувофиқлаштириш бир йилда бир марта амалга оширилади.

3. Тўловларни табақалаштирилган тарзда амалга ошириш усули.

Мазкур усулда истеъмол кредитлари бўйича амалга ошириладиган тўловларнинг миқдори аста—секин ошиб боради. Бунда дастлабки даврлардаги тўловларнинг миқдори кичик бўлади. Шу сабабли, мазкур усулни қўллаш ёш оилаларга, даромадини келгусида ошиб бориши кутилаётган шахсларга истеъмол кредити беришда қўл келади.

4. Истеъмол кредитлари бўйича тўловларни суғурталаш усули.

[1] Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка

Published: 23.12.2024
Cite this article: Сатторкулов О.Т. (2024). Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда истеъмол кредитларини ривожлантиришнинг ўрни. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320891
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Хорижий давлатларнинг банк амалиётида истеъмол кредитларининг муддати 7 йилдан 20 йилгача бўлган муддатга тебранади. Бундай ссудаларга нисбатан сузувчи фоиз ставкалари қўлланилади. Айрим ҳолларда аҳолининг маълум қатламлари учун, одатда, даромад даражаси паст бўлган қатламлари учун давлат томонидан нисбатан паст фоиз ставкалари белгиланади. Ғарбий Европа давлатларида уларнинг стандарт баҳоси фуқаролар ўртача ойлик иш ҳақининг 100-120 баробари миқдорида баҳоланади. Германия, Буюк Британия ва Францияда истеъмолли кредитлаш, асосан, бир даражали моделга таянади. Ушбу моделнинг биринчи ўзига хос хусусияти шундаки, банк мижозларининг истеъмол кредити бўйича берилган барча аризалари банк томонидан барча ресрус манбалари ҳисобидан, яъни банкнинг капитали, мижозларнинг депозит ҳисобрақамларидаги маблағлари, бошқа банклардан олинган кредитлар ва бошқа манбалар ҳисобидан таъминланади. Ушбу моделнинг иккинчи ўзига хос хусусияти шундаки, истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкалари мамлакат кредит-молия бозорининг умумий ҳолатига боғлиқ бўлади.

Мазкур моделнинг учинчи муҳим хусусияти унинг оддийлигидир. Бу эса, ундан молия бозорининг инфратузилмаси тўлиқ шаклланмаган ривожланаётган мамлакатларида муваффақиятли қўллаш имконини беради.

Истеъмолли кредитлашнинг ушбу бир поғонали моделида истеъмол кредитлари билан боғлиқ бўлган асосий параметрлар ҳар бир банк томонидан мустақил ўрнатилади ва улар асосан икки омилдан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Биринчи омил бозор конъюнктурасининг ўзгариши бўлса, иккинчи омил бўлиб, бошқа банклар томонидан рақобатнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳисобланади

Францияда истеъмол кредитларининг ўзига хос шакли бўлиб, унинг субъектлари сифатида хусусий шахслар иштирок этади. Францияда истеъмол кредитлари берувчилар бўлиб асосан йирик тижорат банклари, ўзаро жамғарма институтлари ва жамғарма кассалари ҳисобланади. Мазкур банклар мижозларга икки турдаги-жамғарма ҳисобрақамларини очадилар:

1. “А жамғарма дафтарчаси” – бу ҳисоб рақамида 50 минг евро миқдоригача пул маблағи тўплаш ва 100 минг евро миқдоридаги истеъмол кредитини имтиёзли фоиз ставкасида олиш мумкин. Ҳар йили мақсадли омонатга 7500 евро миқдорида давлат устамаси қўшилиб боради.

2. “PEL” ҳисобрақами. Мазкур ҳисобрақамда 100 минг еврогача пул маблағи тўплаш ва 150 минг евро миқдорида имтиёзли ставкада истеъмол кредити олиш мумкин.

Испанияда хам омонотлар давлатни молиялаштиришда жуда катта рол ўйнайди.

Испанияда истеъмол кредитларининг уч категорияси мавжуд:

1. Давлат томонидан тартибга солинувчи кредитлар тоифасига кирувчи ссудалари.

2. Тўғридан-тўғри бериладиган давлат ссудалари.

3. Банк ссудалари.

Давлат томонидан тартибга солинувчи кредитлар тоифасига кирувчи ссудалари – бу давлат кредит органлари ва хусусий муассасалар томонидан бозор ставкаларидан паст ставкаларда бериладиган кредитлардир.

Япония тижорат банклари истеъмол кредити беришда мижозларнинг кредит тўловига нисбатан жиддий талабларни қўядилар. Мижоз биринчи тоифали қарздор мақомига эга бўлиши учун нафақат юқори даромадга эга бўлиши, балки ижтимоий нуфузга ҳам эга бўлиши лозим. Масалан, банклар “Мицуи” концернининг оддий ходимига сотиб олиш учун кредит беришни юқори даромадли кичик тадбиркорга кредит беришдан кўра афзал биладилар.

Ҳозирги пайтда банкларнинг кредит портфели салмоғи ва таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, банкларимиз томонидан иқтисодиётни реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга алоҳида еътибор берилмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистон тижорат банкларида истеъмол кредитларини ривожлантириш масалалари бўйича қуйидагиларни тавсия қилишимиз мумкин:

1. Аҳолига кўпроқ кам фоизли ва қисқа муддатли истеъмол кредит ттурларини жорий қилиш лозим. Бу банкка активларининг тез қайтиши билан бир қаторда аҳолига ҳам қулайликлар яратади.
2. Истеъмол кредитларига фоиз белгилашда сузувчи ставкалардан фойдаланиш. Мисол учун: Майказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси + банк маржаси. Сузувчи ставкани қуллаш орқали банк фоиз қискининг олдини олади.
3. Истеъмол кредитлари ажратилишида мижозни кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш усулларидан фойдаланиш. Бу эса банк рискини олдини олишнинг илк босқичи ҳисобланиб, кредит ажратиш харажат ва вақтининг камайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Panova G.S. Credit policy of a commercial bank.
https://cbu.uz/ - O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy veb-sayti.

CHIZIQLI TENGLAMALAR SISTEMASINI LEONT’EVNING TARMOQLARARO BALANS MODELIGA TATBIQLARI

Abduraximova Zulayxo Ikromjon qizi
Turan International University o‘qituvchisi
zulayhoabduraximova96@gmail.com

Annotasiya: Ushbu maqola, iqtisodiy tizimlar va ularning o‘zaro bog‘liqligini matematik modellashtirishning muhim usullaridan biri bo‘lgan Leont'evning tarmoqlararo balans modeliga chiziqli tenglamalar tizimini tatbiq etishni ko‘rib chiqadi. Leont'evning modeli, resurslar va mahsulotlar o‘rtasidagi oqimlarni aniqlash, tarmoqlar o‘rtasidagi o‘zaro aloqalarni tahlil qilish va iqtisodiy tizimdagi muvozanatni saqlashda samarali vosita hisoblanadi.

Kalit so‘zlar: Chiziqli dasturlash, matematik model, tarmoqlararo model, Leont’ev modeli, balans munosabati, chiziqli tenglamalar, teskari matritsa, determinant

1-masala. Qandolat firmasida holva, pecheniye va vafli ishlab chiqariladi. Bu mahsulotlarni tayyorlash uchun xom ashyo sifatida un, shakar va margarin yog‘i ishlatiladi. Bir birlik mahsulot ishlab chiqarish uchun sarflanadigan xom ashyo normasi va sex omboridagi xom ashyolarning zaxirasi bo‘yicha ma’lumotlar quyidagi jadvalda berilgan:

Xom ashyo turi	Bir birlik konditer mahsulotini tayyorlash uchun sarflanadigan xom ashyo normasi			Ombordagi xom ashyolar zaxirasi
	Holva	Pechenie	Vafli	
Un	2	5	2	2350
Shakar	7	3	5	2750